



**Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат**

2025 йил – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz ●

2025 йил 15 февраль, № 33 (8928)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг
телефонингиз орқали сканер қил



ЁШЛАРНИНГ ЭЗГУ ИНТИЛИШЛАРИНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШИ


Президент Шавкат Мирзиёев 14 февраль куни ёшлар билан мулоқот қилди. Видеоселектор шаклида ўтган учрашувда ёшлар учун имкониятларни янада кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокама этилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ИТАЛИЯДА «БОБУРНОМА» АСАРИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Буюк ватандошимиз Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 542 йиллиги муносабати билан Италияда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистоннинг ушбу давлатдаги элчихонаси ҳамда Рим шаҳридаги «Sandro Teti Editore» нашриёт уйи томонидан «Бобурнома» асарининг итальян тилидаги таржимаси тақдимотлари ўтказилмоқда. Таржима мазкур нашриёт томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сўзбошиси билан кўп нусхада чоп этилган.



Ўзбекистон раҳбари жаноб Шавкат Мирзиёевнинг сўзбошидиси қайд этилганчидек, Италия илмий ва маданий жамоатчилигининг буюк шоир ва қомусий олимнинг бебаҳо мероси, ўзбек давлатчилигининг учмиш йиллик тарихи билан танишувчи халқнигизнинг маънавий олами, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар моҳиятини англаша ёрдам беради. Асарнинг италян тилида нашр қилиш жараёнига малакали таржимонлар, муҳаррирлар ва дизайнерлар гуруҳи халб этилди.



Акс садо

Буюк келажгимизнинг навқирон бунёдкорлари

Кўксарой қароргоҳида Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизнинг фаол ёшлари билан мулоқоти навқирон авлод ҳаётида том маънода янги саҳифа очадиган тарихий учрашув бўлди, десак, янглишмаймиз.

Эртамиз эгалари учун кўзда тутилаётган имконият ва имтиёзлар уларга қанчалар улкан куч ва ғайрат бағишласа, биз, куйи бўғинда шу масалаларга масъул ҳар қандай даражадаги раҳбарларнинг зим-



Башариятнинг шоҳ шоири

14 февраль куни мамлакатимизнинг барча ҳудудида буюк шоир, қомусий олим, давлат арбоби ва мохир саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 542 йиллигига бағишланган турли тадбирлар бўлиб ўтди.

 Шух

Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида ташкил қилинди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Жамоат хавфсизлиги университети,

Республика Маънавият ва маърифат маркази, Миллий гвардия ҳамда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбир ҳарбий оркестрнинг мусиқа



ЁШЛАРНИНГ ЭЗГУ ИНТИЛИШЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР Йўналиши

←1 Ёшлар ишлари агентлиги хорижда ўқийётган ҳар бир талабага бошқош бўлади. Билимий йигит-қизлар дунёнинг “ТОП—100” олийгоҳларига юборилиб, ўқиш ва яшаш харажатлари қоплаб берилади. Чет элда ўқиб келганлар миллий кадрлар захирасига киритилиб, давлат органларига танловсиз ишга олинади.

Бундан ташқари, рейтингни юқори халқаро университетларда илмий даража олган 35 ёшгача бўлган ёш олимларга ўй-жой учун 10 йил муддатга 800 миллион сўмгача фойсиз ссуда ажратилади. Нуфузли халқаро фан олимпиадаларида голиб ва совриндор бўлганлар учун бир марталик пул

мукофоти миқдори 5 қарра оширилади.

Энергетика, транспорт, урбанизация, замонавий архитектура, тиббиёт йўналишларида “Эл-юрт умиди” жамғармаси квоталари кўпайтирилади. Ҳарбий билим юрларининг намунали тингловчилари учун “Олий бош кўмондон” давлат стипендияси жорий этилади.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар ўртасида муҳандислик олимпиадалари ва танловлар ўтказиш йўлга қўйилади. Голиб бўлган битирувчи ёшлар техника олийгоҳларига грант асосида ўқишга киради.

Йиғилишда ёш авлодда миллий руҳиятни шакллантириш, гоғвий хуружлар ва

зарарли ахборотлардан асраш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Тарбияси оғир болаларга алоҳида меҳр-эътибор кўрсатиш, ҳаётда ўрнини топишига кўмаклашиш зарурлиги айтилды.

Ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш мақсадида 10 ва 11-синф ўқувчилари ўртасида “Ватан таянчи” ҳаракати бошланди. Унга 300 мингдан зиёд ёшлар қамраб олинди.

Энди бу ҳаракат касб-хунар мактаби, техникум ва хусусий таълим ташкилотларида ҳам йўлга қўйилиб, 1 миллион ўқувчи қамраб олинади. Улар ўртасида турли танлов ва мусобақалар ташкил этилади. Шунингдек, маҳаллаларда “Шижоат ва гайрат” спорт ўйинлари ўтказилади. Голиб маҳаллаларга спорт иншооти қурилиб, анжомлар билан таъминланади. “Ватан таянчи” ҳамда “Шижоат ва гайрат” мусобақалари голибларига ҳарбий билим юрларига кириш учун тавсия берилади.

Мулоқотда сўзга чиққанлар мазкур режа ва ташаббуслар ёшлар учун янада кенг имкониятлар яратиши, уларнинг орзу-интилишларига рағбатлантирувчи куч бўлишини таъкидлашди.

Давлатимиз раҳбари ёшларнинг тақлифларини маъқуллаб, уларни ҳар доим қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдирди.

ЎЗА.

ИТАЛИЯДА «БОБУРНОМА» АСАРИНИНГ ТАҚДИМОТИ Бўлиб ўтди

←1 Китобнинг дунёга келишига муносиб ҳисса қўшган барча дўстларимизга, хусусан, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, академик Шўҳрат Сирожиiddиновга, италиялик таниқли туркийшунос олим, профессор Федерико Де Ренци, таржимон Федерико Пасторе, атоқли итальян олими ва адаби Франко Кардини сингари фидойи инсонларга чин қалбдан миннатдорлик билдираман.

Ушбу муҳташам нашр бобурийлар даврига оид 96 та миниатюра билан безатилиб, юксак матбаа сифати билан нашр этилгани алоҳида эътиборга лойиқ.

— “Бобурнома”ни хорижий тилларга таржима қилиш муаллифнинг ҳаётлиги давридаёқ бошланган, — деди Баҳром Абдуҳалимов. — Бугун бу ўлмас асар Леонардо да Винчи, Микеланжело, Данте, Петрарка сингари буюк мутафаккирлар тилига илк бор таржима қилинди. Бу нашр Бобур ижодининг Италияда, умуман, Европадаги маданий жамоатчилик орасида, академик доираларда янада кенг тарқалишига хизмат қилади. Бу ижодий лойиҳанинг рўёбга чиқарилгани ўзбек ва итальян олимлари ўртасидаги илмий алоқаларнинг, шубҳасиз, янги поғонага кўтаради.

Тадбирда Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдуҳолиқов бугун янги Ўзбекистонда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан маданий меросни асраб-авайлаш ва тарғиб этишга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлаб, италиялик ҳамкасблар билан илмий-маърифий алоқалар изчил давом эттирилишига ишонч билдирди.

— Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати туфайли бугун дунё жамоатчилиги, жумладан, Италия аҳли ҳам Ўзбекистонни қайтадан кашф этмоқда, — деди марказ директори. — “Бобурнома”нинг итальян тилига таржимаси бу йўлдаги янги амалий қадамдир. Италияда Амир Темур ва теурийларга, Бобур ва бобурийлар меросига ҳурмат-эътибор юқори эканини кўриб мамнун бўлдик. Жумладан, Флоренциядаги Уфимци галереясида соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ноёб портретини кўриб қалбимиз ғурурга тўлди. Болонья университети кутубхонасида ҳам Ибн Синонинг бир қатор, кўлёзма асарлари сақланади. Сафаримиз давомида улар билан ҳам яқиндан танишиш режалаштирилган. Шунингдек, Ватикан кутубхонасига ташриф ҳам кўзда тутилмоқда. Ишонимизки, у машҳур илм-фан даргоҳида ҳам Ватанимиз тарихи, буюк аждодларимиз меросига оид янги топилмаларга гувоҳ бўламиз.

— “Бобурнома”нинг итальян тилига таржимасини йирик маданий ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин, — деди тадбирда иштирок этган Италиянинг “Vico” кинокомпанияси президенти Виктория Петросянц. — Ўзбекистон маданий мероси гоғат бой ва ранг-баранг. Бизнинг компаниямиз ҳам бир неча йилдан бери ўзбекистонлик ҳамкорлар билан бу заминдан етишиб чиққан улўғ аллоамлар ҳаёти ҳақида фильмлар яратиб келмоқда. Бизга бунинг учун барча шарт-шароит яратиб берилаяпти. Мен, очиги, тарихий меросга бундай юксак эътибор ва ғамхўрликни дунёнинг бошқа давлатларида камдан-кам кўрганман. Бу, албатта, ҳар томонлама ибратга лойиқдир.

Улўғ аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сўнмас хотирасига бағишланган илмий-маърифий тадбирлар барча иштирокчилар қалбида ёрқин таассурот қолдирди.

ЎЗА.

БАШАРИЯТНИНГ ШОҲ ШОИРИ

←1 Тадбирда улўғ аждодимиз ҳаёт йўли қанчалик сермашаққат ва долғали бўлмасин, барибир барча ҳарбу зарблардан вақт топиб тинимсиз ижод қилгани, ижод қилганида ҳам, ўлмас асарлар яратгани ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Дарҳақиқат, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда бобурийлар сулоласига асос солган йирик давлат арбоби бўлиш билан бирга, ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим ҳамдир. Унинг бутун дунёга машҳур “Бобурнома” асари, бетақрор ғазаллари ҳамда рубоийлари туркий шеъриятнинг энг нодир намуналари сифатида ҳали-ҳамон кўнгилларга ҳайрат ва ҳарорат солиб келмоқда. Бу асарлар бугунги кунда дунё олимлари, бобурушунос мутахассислар томонидан тадқиқ қилиниб, янги-янги қирралари кашф этилмоқда.

Жамоат хавфсизлиги университети бошлиғининг тарбиявий ва мафқуравий ишлар бўйича ўринбосари, полковник Икромжон



— Бироқ уларнинг барчаси ҳам авлодларга қимматли мерос қолдирмаган. Мирзо Бобур эса қисқа умри давомида асарларга татигулик ишларни амалга оширди. Ўз асарлари билан адабиёт, тарих, география, ботаника, мусиқа, ҳарб иши ва бошқа фанлар ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Биргина “Бобурнома” асарининг ўнлаб тилларга таржима қилинган ҳам унинг аҳамияти нечоғли улкан эканини кўрсатади. Хусусан, мазкур асарнинг итальян тилига ҳам ўғирилгани эълон қилинди. Демак, Мирзо Бобур асарлари ўқувчилари сони йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бу эса унинг жаҳон миқёсида тугган ўрни, мавқеидан далолат.

Анжуманда “Навоий ва Бобур”, “Бобуршоҳ асарларида мурожаат усуллари”, “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”, “Бобурнома” асарининг инглиз тилига таржимаси хусусида” каби мавзулардаги маърузалар тингланди.

Россия, Туркия, Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистон каби давлатлардан ташриф буюрган олимлар иштирокидаги ушбу тадбирда бобурушуносликнинг ғалдаги вазифалари белгилаб олинди.

Нурulloх ОСТОНОВ, Саминхон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

Акмал МУҲАММАДОВ олган суратлар.



Маҳмудов мазкур таълим муассасасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолияти бўйича қўллаб илмий тадқиқотлар олиб борилаётгани, шу билан бирга, бу ерда таҳсил олаётган курсантлар учун Бобур номидаги стипендия таъсис этилгани ҳақида атрофлича маълумот берди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хомийлигида “Адабиёт” нашриёти томонидан “Бобур асарлари лугати”нинг нашр этилгани улўғ бобомиз таваллудининг 542 йиллигига муносиб совға бўлди. Унда “Бобурнома”, “Бобур девони” ва “Мубаййин” асарларидаги сўзлар изоҳи берилган.

Бугунги куннинг яна бир муҳим талаби — навқирон авлоднинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш. Вилоятимизда ўтган йилдан бошлаб “Беш ташаббус олимпиадаси”ни йил давомида ўтказиш амалиёти жорий қилиниб ёшлар маданият-санъат, спорт, ахборот технологиялари, китобхонилик, касблар йўналишларида танлов ва мусобақаларда қатнашмоқда.

Андижон вилоят ҳокимлигида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 542 йиллигига бағишланган “Бобурушуносликнинг янги ўқуқлари: муаммо ва ечимлар” мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Мирзо Бобурнинг шоҳ ва шоир, давлат арбоби, моҳир саркарда сифатидаги фаолияти, амалга оширган бунёдкорлик ишлари, ҳаёти машаққатларга тўла бўлса-да, ўзидан бебаҳо мерос қолдиргани ҳақида сўз борди.

— Дунёда машҳурлар кўп ўтган, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлими раҳбари Хуршидаҳон Ваҳобжон қизи.

Буюк келажагимизнинг навқирон бунёдкорлари

←1 Албатта, ҳар қайси давлат ўзининг эртанги истиқболини соғлом ва баркамол авлод тимсолида кўради. Жисмонан бақувват, маънан етук, замонавий билим ва тарққиёт ютуқларини чўқур эгаллаган, иродаси мустаҳкам, салоҳиятли авлодди воғая етказаятган мамлакатнинг эртаси ёруғ, келажаги нурафшон бўлиши аниқ. Катта марраларни қўзлаб амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнини, эзгу мақсад ва умидларимиз рўёбини мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини ташкил қилувчи ёшларимиз иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Зотан, ҳаммамиз ҳам бу дунёда фарзандларимизни деб, улар-

нинг бахт-саодати, иқболи деб яшаймиз ва меҳнат қиламиз. Шу маънода, юртимизда келажагимиз ворисларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар самараси Тошкент вилояти ёшлари ҳаётида ҳам чўқур из қолдирляпти. Масалан, ўтган йили “Ёшлар бандлиги дастури” доирасида 18 минг 916 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

Йигит-қизларга деҳқончилик қилиши учун унўмдор ер майдонлари ажратилмоқда. Миграциядаги ёшларнинг ҳам яшаш манзилига қайтиб фойдали ва даромадли фаолият билан шуғулла-ниши учун шароит яратишга урғу берилмоқда. Тарбияси оғир тоифадаги ўғил-қизларга ҳаётини тўғри ўзанларга солишига ёрдам берилляпти.

Вилоятда ўқишга интилувчан, истезводи юқори, жайдарли қилиб айтганда, “зуваласи пишиқ” ёшлар кўп. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббус асосида мамлакатимизда кенг қулодан ёзган “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси бундай ўғил-қизларга қанот бахш этляпти.

Бугунги куннинг яна бир муҳим талаби — навқирон авлоднинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш. Вилоятимизда ўтган йилдан бошлаб “Беш ташаббус олимпиадаси”ни йил давомида ўтказиш амалиёти жорий қилиниб ёшлар маданият-санъат, спорт, ахборот технологиялари, китобхонилик, касблар йўналишларида танлов ва мусобақаларда қатнашмоқда.

Кечаги мулоқотда давлатимиз раҳбарининг ҳар бир сўзи, тақлиф ва топшириқларини тинглаб, ёшлар билан ишлашда кўламини кенг, маррани янада баланд олишимиз лозимлигини яна бир қарра англадик. Бизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатимиз йигит-қизларнинг орзу-интилишлари, мақсад ва муддаолари, ўсиб бораётган диди ва талабига, албатта, жа-воб бериши шарт.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, Ватанимиз ўз тарққиётининг янги бир тарихий босқичига қадам қўймоқда. Бу даврда олдимизда илгари дуч келмаган мураккаб вазифалар, гов ва тўсиқлар пайдо бўлиши табиий. Лекин, қанчалик қийин бўлмасин, биз олдимизга қўйган улкан мақ-

садларга албатта етамиз. Чунки бизнинг олис ва яқин тарихда не-не синовлардан ўтган донишманд халқимиз бор, барча соҳа ва тармоқларда майдонга дадил чиқаётган гайрат-шижоатли ёшларимиз бор.

Пировард мақсадимиз эса аниқ — мамлакатимиз истиқболи учун масъулятни ўз зиммасига олишга қодир, Ватан туйғусини чўқур англайдиган, иродаси мустаҳкам, соғлом ва юксак тафаккурли, маънавиятли авлодди воғая етказиш.

Отабек СУЛТОНБЕКОВ, Тошкент вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари.

«ЎЗБЕКИСТОНДА ЙИРИК ИЖТИМОЙ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА»

Ўзбекистонда ҳаётнинг барча жабҳасида рўй бераётган жадал ва кенг кўламли ўзгаришлар ҳамда икки томонлама муносабатларнинг истиқболлари Кувайтнинг машҳур босма ва электрон нашрлари диққат марказида.

Биз ва жаҳон

Хусусан, ушбу мамлакатнинг инглиз тилида босилади-ган “Times Kuwait” ҳафталик газетасида “Ўзбекистон ва Кувайт: биргаликда олға интилиш вақти” сарлавҳали мақола чоп этилди. Нашрда Кувайт 1991 йил 30 декабрь кунини Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олгани хабар қилинган. Шу йилдан бошлаб икки давлат ўртасида иқтисодий ривожланиш ҳамда икки халқ фаровонлиги учун умумий интилиш асосида дўстона муносабатлар ўрнатиш даври бошланди.

“Кувайт Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватляйди. Шунингдек, Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармасининг молиявий кўмағида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим ва турли инфратузилма тармоқларида йирик ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда”, деб ёзилган мақолада.

Кувайтнинг “Q8 Press” электрон нашри Ўзбекистон ва Кувайт ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳақида ёзди. Ўзбекистонда асрлар давомида хунармандчиликнинг турли йўналишлари ривожланган ва улар жаҳонда жуда машҳур. Таъкидлаш жоизки, хунармандчилик мамлакат маданий ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Икки мамлакат хунармандчилик соҳасида яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. 2019 йилда Ўзбекистонда ўтказилган биринчи Халқаро хунармандчилик фестивалида кувайтлик хунармандлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Ўз навбатида, Ўзбекистонлик хунармандлар Кувайтда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданияти кунларида қатнашди. Унинг доирасида Ўзбекистон миллий хунармандчилик маҳсулотлари ва амалий санъати намуналари кўргазмаси уюштирилди.

Ушбу электрон нашр “Ўзбекистон ва Кувайт ўртасидаги ҳамкорлик: замонавий шаҳарсозлик меъёрларини қўллаш” сарлавҳали мақолани ўз ўқувчилари ўртасида тарқатди. Нашрда кейинги йилларда Ўзбекистонда шаҳарларни ҳар томонлама ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганига урғу берилган. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Уларда хорижий давлатлар, жумладан, араб давлатларининг тажрибаси ўз самарасини бермоқда.

“Масалан, Тошкент шаҳрида янги кўп функцияли йўллар, тураржой мажмуалари ва маданий-маиший объектлар барпо қилиняпти. Таъкидлаш керакки, “Tashkent City” халқаро ишбилармонлик маркази лойиҳаси замонавий шаҳарсозлик стандартлари асосида қад ростлаган. Пойтахтдаги лойиҳаларда Кувайт ва бошқа араб компаниялари ҳам фаол иштирок этмоқда”, дея таъкидланган материалда.

“Q8 Press”да, шунингдек, Ўзбекистон Кувайтда минтақавий савдо марказини ташкил этишни режалаштираётгани ҳақида маълум қилинди.

“Ўзбекистон элчиси Аюбжон Юнусов ўзбек маҳсулотларини Кувайт ва бошқа араб давлатларига тарқатишни осонлаштириш мақсадида Ал-Кувайтда Ўзбекистон маҳсулотлари минтақавий марказини очиш режалари ҳақида маълум қилди, — дейилади мақолада. — Шунингдек, у жорий йил 16 февраль кунини бўлиб ўтадиган ва 100 га яқин ўзбекистонлик ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этиши кутилиётган Ўзбекистон — Кувайт бизнес форуми ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Кувайт Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ўтказиладиган мазкур тадбир доирасида Ўзбекистон маҳсулотлари кўргазмаси, икки давлат ишбилармонлари ўртасида музокаралар уюштирилади”.

«Дунё» АА. Ал-Кувайт

Кўргазма

«Made in Uzbekistan» бренди тақдимоти

Покистон Ислон Республикасининг Лаҳор шаҳридаги “Expo Centre Lahore” марказида “Made in Uzbekistan” саноат маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди.



Мазкур тадбир доирасида “Made in Uzbekistan” бренди остида ташкил этилган стендларда тўқимачилик, электротехника, чарм, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва фармацевтика соҳаларидаги Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойишга қўйилди.

Савдо-саноат палатасидан маълум қилишларича, Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги товар айланмаси 2024 йил ҳолатига кўра 404,4 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шундан Покистонга амалга оширилган экспорт 299,4 млн. доллар, импорт эса 104,9 млн. доллар миқдориди бўлди.

«Халқ сўзи».

Шу йилнинг 25 — 27 февраль кунлари пойтахтимизда «Қурилиш — UzBuild — 2025» 26-халқаро кўргазмаси ташкил этилади.

